

Миллий тадқиқотлар университетининг Иқтисодиёт Олий Мактаби проректори ТИҚХММИга ташриф буюрди.

Олий таълим муассасалари ўртасидаги илмий-педагогик ва таълимий мазмунда ҳамкорлик ўзаро манбаатлар устига қурилади. Россиянинг Миллий тадқиқотлар университетининг Иқтисодиёт Олий Мактаби проректори Простаков Иван Валериевич ТИҚХММИга ташриф буюришди. МТУ Иқтисодиёт Олий Мактаби проректори И.В. Простаков ТИҚХММИ қошида очилган Абдулла Орипов номидаги музейи ва маданият саройига танишишди.



Институтимиз ректори Ў.Умурзаков ва проректор А.Салоҳиддинов, Иқтисодиёт факультети декани А.Рашидов ва ИнтерХаус академик лицей директори А.Тиллаев иштирокида видеоконференция залида МТУ Иқтисодиёт Олий Мактаби проректори И.Простаков билан ўзаро мулоқот ташкил этилди. Учрашув олдидан институт ҳаёти акс этган видеоролик намойиш этилди. Учрашувда ҳамкорликда профессор-ўқитувчи ва талабалар академик алмашинуви, илмий лойиҳаларни биргаликда бажариш ва қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш каби бир қатор масалалар ўзаро муҳокама қилинди.



Шунингдек, ҳамкорликдаги илмий-изланиш ишларини амалга ошириш ва илмий маълумотларни алмаштириш, ёзги мактаблар иккала ОТМ талабалари иштирок этиши каби масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар алмашишди. Учрашув сўнггида ўзаро ҳамкорликни янада юқори савияга олиб чиқиш мақсадида уч томонлама меморандум имзоланди. Тадбир ҳар учала томон учун манбаатли тарзда кечди.

ТИҚХММИ матбуот хизмати